



THE IDEA OF THE PERFECT HUMAN BEING IN THE TEACHINGS OF JALAL AL-DIN RUMI

Q. Abdushukurov

Professor Gulistan State University

I. Q. Abdushukurova

Senior Lecturer, Gulistan State University

B. B. To'ychiboev

Associate Professor, Gulistan State Pedagogical Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18084738>

ARTICLE INFO

Received: 22nd December 2025

Accepted: 28th December 2025

Online: 29th December 2025

KEYWORDS

Mawlana Jalal al-Din Rumi, Sufism, perfect human being, spirituality, nafs, intellect and knowledge, unity of soul and body, self-knowledge, faith and hope.

ABSTRACT

*This article presents a philosophical and spiritual analysis of the concept of the **perfect human being** in the teachings of Mawlana Jalal al-Din Rumi, a prominent representative of Islamic Sufism and world spiritual thought. Based on a textual analysis of Rumi's works, the study explores key issues such as human intellect and spirituality, the relationship between soul and body, the disciplining of the nafs, the unity of knowledge and action, and the role of hope and faith in the process of spiritual self-perfection. The research demonstrates that, in Rumi's Sufi doctrine, self-knowledge constitutes a fundamental path to the knowledge of God, while the ultimate goal of human spiritual development remains universal. The article also highlights the contemporary relevance of Rumi's ideas within the framework of spiritual, moral, and scientific development in New Uzbekistan and the concept of the Third Renaissance.*

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ТАЪЛИМОТИДА ТАКОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Қ. Абдушукуров

Гулистон давлат университети профессори

И. Қ. Абдушукурова

Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

Б.Б.Тўйчибоев

Гулистон давлат педагогика институти доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18084738>

ARTICLE INFO

Received: 22nd December 2025

Accepted: 28th December 2025

Online: 29th December 2025

KEYWORDS

Мавлоно Жалолiddин Румий, тасаввуф, такомил инсон, инсон ва руҳият, нафс, ақл ва

ABSTRACT

*Ушбу мақолада ислом тасаввуфи ва жаҳон маънавий тафаккурининг буюк намояндаси Мавлоно Жалолiddин Румий қарашларидаги **такомил инсон** ғояси фалсафий ва маънавий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда инсон ақли ва руҳияти, руҳ ва жисм ўртасидаги мувозанат, нафсни жиловлаш, илм ва амал бирлиги, умид ва*



*илм, руҳ ва жисм бирлиги,
маънавият, умид ва ишонч,
илоҳийлик.*

*ишонч масалалари Румий асарлари мисолида
ёритиб берилган. Муаллифлар Румий
таълимотида инсоннинг ўзини-ўзи англаши
Аллоҳни англашга олиб бориши, барча
инсонларнинг мақсади ягона эканлиги ҳақидаги
ғояларни очиб берадилар. Шунингдек, мақолада
Румий фикрларининг бугунги Янги Ўзбекистонда
илм-фан ва маънавий тараққиёт, учинчи
Ренессанс ғоялари билан уйғунлиги асослаб
берилган.*

Ўрта асрдаги мусулмон шарқнинг бу улуғ зоти ўзининг тасаввуф тараққиёти, илм-у ҳикмат ва фалсафа, шеърият ва маънавиятга катта ҳиссалар қўшган асарлари билан дунёнинг улуғ донишмандларидан бири даражасига кўтарилган мутафаккир, валий инсондир. Уни ўз даврдан кейин ҳам барча улуғларга қиёсласак, аммо у ҳеч кимга ўхшамайди, у ўша давр шарқининг ҳам, ҳозирги даврда ҳам мўъжизали сиймодир, - дейди олимларимиз.

Дарҳақиқат бу зот шундай олий ақлий сифатга эга инсондир. Ҳатто, Алишер Навоий уни буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.

Мавлоно Румий ислом мутафаккири бўлиши билан бирга ўта мутаассиблик ва ақидапарастлик намуналари унинг қарашларида кўринмайди. У ўша давр сўфийлик мулоҳазаларини инсонга хос бўлган турмуш мулоҳазаларини оддий ҳаётий тарз билан тушунтириб беради.

У инсон ақлининг ва руҳиятининг қудратини намоишкорона мисоллар билан исботлайди. У инсонни яратилганидек олиб ўрганади, инсон ўзи сезмаган заруриятларини унинг руҳидан ахтаради, бу билан у инсонни ўзини-ўзи, ўзликни ва Аллоҳни англашини ўргатади.

Инсоннинг ўзини-ўзи, ўзликни англаши – Аллоҳни англашига олиб келади деган қоида келиб чиқади бундан.

Мавлоно Румий барча инсонлар қайси дин-у мазҳаблар, амалдорлари-ю, амалсизлари, барча-барчаси учун поклик ва тавбадан сўз очиб “ Йўллар мухталиф , аммо мақсад бир, яъни Аллоҳ ҳузури” деб Аллоҳ олдида ҳамма тенгдир деган тартибодни исботлайди.

Румийнинг “Ичиндаги – ичиндадур” асари **улуғворлик ва оддийликнинг** бир замон-у бир маконда муросада сиғишиб яшашнинг намунасидир. У ўз ҳикматлари орқали шоҳ-у гадога ҳам, олим-у авомга ҳам тенглик Аллоҳдандир, масала ҳаракатингда, ғайратингда, бу йўлдан ўтишга ҳақлисан, деган хитобни қилади.

Унинг бу асари инсонийлик ва илоҳийлик орасидаги мустаҳкам воситадир.

Румий инсон ақлига баҳо бериб, олимнинг барча ҳаракатларини бошқарувчи нарса ақлдир, барча инсонлар олимдан таралган нурдан баҳраманддир, чунки у бадавлатдир, нур сочаётган қуёш кабидир. Иши таъмасиз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдир дейди.



У олимнинг қувватига юксак баҳо бериб, олим тошлардан лаъл ва ёқут қила олади. Таркиби тупроқдан иборат бўлган тошлардан мис, олтин, қумуш ва темир маъданлар ясайди... **Иш эрмаги бағишламоқдир, ҳадя қилмоқдир**, - дейди Мавлоно.

Унинг бу доно фикрларидан ва тарғиботидан инсон ақлий салоҳиятидан жамият ривожланиши учун кенг фойдаланиш зарурлигини, олимларнинг, ҳунармандларнинг ва барча эъзозли кишиларнинг кадр-қиймати юксак эканлигини англаш зарур.

Бу фикрлар ҳозирги янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессансга киришидаги олимлар ва барча зиёлиларнинг муҳим, ҳатто ҳал қилувчи таянч эканлиги тўғрисидаги Президентимиз таъкидлаган ғояга монанддир.

Румийни тушуниш учун инсонда мантиқий, диний, зоҳирий тайёргарлик билан бирга юқори даражадаги руҳий-маънавий сифатлар ҳам зарур. Уни бир томонлама тушуниш илмнинг торлигидан, кенг ва ҳар томонлама тушуниш – яъни оламнинг тузилиши, инсон билимининг такомиллашуви, унинг ички кечинмасидаги турли-туман қарама қаршилиқлар ва ақлий муросалар ва ниҳоят хулосалар – яъни шаклланган моҳиятлар бирлигидан деб англамоқ зарур.

Румий инсон қандай замон ва маконда яшамасин ўз моҳиятидан – инсоний мақсаддан – руҳидан келиб чиқиб, унинг азалий шериги бўлган гумроҳликдан – нафс балосидан холи бўлишни уқтиради.

Ушбу асарида у шундай савол-жавобни баён этади:

Дедики: «Онангни нечун ўлдирдинг?»

Деди: «Унга ярашмаган бир нарсани кўрдим»

Дедики: «Аmmo онангни эмас, етти ёт бегонани ўлдирсанг бўлмасмиди?»

Деди: «Ҳар куни биттадан ўлдирайми?».

Мавлоно бу билан сен нафсингни (онани) жиловла, ҳадеб ўзгалар билан талашма, гуноҳ ишлардан қутул, - дейди.

У руҳ ва жисм ўртасидаги мувозанат ҳақида гапириб, руҳ ва жисм иккаласи бир бутунликда ҳаётийликни ташкил этади, - дейди.

Инсон ҳар икки асосга – руҳ ва жисмга таяниб яшайди, чунки уларнинг бирлигигина ҳаётийликни беради.

У руҳий бирликнинг ҳақиқати тўғрисида гапириб “Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир... сўз баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловидаги мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир”, - дейди.

Мавлоно инсоннинг умид билан яшаши, умид ишонч йўли эканлигини, у тўғрилиқка олиб боришини тушунтириб, “умид-ишонч йўлининг боши,... доимо йўлнинг бошини кўзла..., тўғрилиқни тут, - деб таъкидлайди.

Ягона мақсад сари тутилган йўллар, айтилган сўзлар, турли хил бўлсада уларнинг манзили, поёни биттадир деган маънони Румийдан эшитамиз. “Улуғларнинг сўзлари агар юз турли бўлса ҳам, модомики, Ҳақ ва йўл танҳодир, демак, сўз ҳам иккита бўлолмайди, (улар фақат А,Қ) айрилиқ-қаршисида”.



Бундан англашиладиган нарса шуким, мақсаднинг тўғрилиги барча айримликларни ўз ниҳоясида бирлаштиради ва умумлашиб ягона кўринишни ҳосил қилади.

Инсон Аллоҳ томонидан яратилган шундай бир мўъжизаки, юқорида айтганимиздек, у коинотнинг бир парчаси, уни англамоқ учун коинотнинг сир-у синоатидан хабардор бўлмоқ лозимга ўхшайди.

Бу борада Мавлоно Румий бундай дейди: «Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди».

Булардан инсонлар барчаси бир хил деган хулосалар келиб чиқмайди, балки бу белгилар инсонларга хослик, умумийликдир. Аммо, ҳар бир инсон ўзига хос индивидуал хислатларга ва сифатларга эгаки, бу билан улар бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқланишлик уларнинг қайси ижтимоий муҳитдан, маънавий ва иқтисодий-сиёсий имкониятлардан ва ҳатто наслий-насабий туғма қонуниятлардан келиб чиқади. Уларнинг фарқланишлари жамиятда биринчи навбатда тутган ўринларида, яъни эгаллаган мавқеларида кўринадиким, бу табиий ҳолдир, аммо жамиятни бошқарувчи қонунлар инсонларни тенг тутишга қаратилган бўлади. Буни Мавлононинг таъбири билан айтсак, “соҳиби қонунлар” – раҳбарлар амалга ошириб турадилар ва натижада жамиятда тартиб-интизом сақланиб туради, барча инсонлар ўз юмушлари билан банд бўлади.

Модомики, бунинг акси бўлса, яъни қонунларга итоатсизлик юзага келса жамиятда парокандалик юзага келади. Итоатсизликнинг асоси уларнинг қонунлар моҳиятини, унинг ўзларининг манфаатини кўзлашини-қонунлар инсонлар учун хизматкор эканлиги ақлан англамасликларидан деб тушунмоқ лозимлиги ҳақида Румий шундай дейди: «Агар халқ ақлга итоат қилмаса, ишлари доимо пушаймонлик ва паришонлик ичида бўлғуси»

Инсонда сифатий кўрсаткични оширадиган нарса – бу унинг илми кенг эгаллагани билан мавжуддир. У толели инсондир.

Мавлонодан мисоллар: «Толели киши мушкка эга бўлган ва ўзи ҳам унга ўхшаган зотдир. Чунки у худди мушк каби атрофга хушбўй таратади, бора-бора ўзи ҳам мушкка айланади... Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир... Демак, илм ҳамма нарсадан устундир».

Мавлоно илми киши фаолияти билан яхшиликнинг вужудга келишини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини мисоллар билан изоҳлайди.

Унинг бу доно фикрлари ҳозирги янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда илм-у фан вакилларининг ўрни муҳим эканлиги тўғрисидаги Президентимизнинг сермаъно фикрлари билан ҳамоҳангдир.

Инсон ўзи эгаллаган илмини ва бажараётган амалларини кўз-кўз қилиш учун бажариши унинг инсоний сифатига мос келмаслигини Мавлоно қоралайди ва дейди, “Кўз-кўз учун амал қилган кимса ярамасдир”. Бундай иккиюзламачи одам ўзига-ўзи... мени ҳечким кўрмас экан, унда нега ибодат қилай? деб... сени шундай бир зот кўрмоқдаки, ҳар ким унинг қудратли қўлидадур...



У ҳар-бир инсонда аниқ фикр ва мақсад мавжуд бўлишлигини уқтириб, беҳуда хаёллар..., фақат дангасалигу зерикиш ҳиссини ўйғотувчидир... сиздаги ҳайвоний нафсдир... сизнинг душманингиздир, ... деган илохий ғояни бериб, инсонда хаёл ўрнига ишонч ва аниқликга қараб юз тутмоқликни зарур деб билади.

Мавлоно ақли, илми инсон ичида, унинг руҳида доимо маъно мавжудлиги, у доимо ривожлантирилиб туришлиги, ақли одам маънони-ҳикматни асраши, лозим пайтда, лозим жойда, лозим одамлар ўртасида ёйишни айтади.

“Ичингизда маъно келинлари юз кўрсатиб, сирлар ошкор бўлганда, эҳтиёт бўлиб, бегоналардан яширинг, бизнинг сўзларимизни ҳаммага ҳам айтманг, чунки ҳикматни барчага ҳам берманг, агар берсангиз ҳикматга нисбатан зулм қилган бўласиз. Уни ақли ҳикматдан эса изламанг, ёмонлик этган бўласиз” (ҳадис). Булардан шу нарсаларни англаш лозимки, ҳар бир ишнинг ва фикрнинг ўз эгаси - яъни бажара оладигани ва уқиб оладигани бор, фақат шундай одамларгина бундай ҳикматларга муносибдирлар. Улар бир тоифадирлар, ундан кейинги тоифалар эса биринчи тоифа даражасига эришмоқлари учун кунт билан илм ўрганмоқлари зарур бўлади.

Бу қоидалар азалдан шундай бўлган. Ҳозирги давримиз илм ўрганувчилари учун Янги Ўзбекистонда кечаётган фан-таълим ислоҳатлари барча шароитларни яратиб бермоқдаки, бундан ёшлар унумли фойдаланмоқлари керак бўлади.

References:

1. Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Тошкент, 2020.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Тошкент, 2021.
4. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 2018.
5. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. Тошкент, 2013.
6. Луканин Р.К. Органон Аристотеля. Москва, 1984. а) гл-1. – Теория познания и диалектика Платона., б) гл-3. – Учение Аристотеля о категориях. Проблема понятия в логике Аристотеля., -Аналитика Аристотеля. в) гл-2. Открытие Аристотелем силлогизма и его сущность. г) гл-3. Термины и фигуры силлогизма.
7. Tuychiboev, B. B. (2021). THE ERA OF INITIAL IRON AGE MATERIAL CULTURE IN THE MID-SYRDARYA. *Bulletin of Gulistan State University*, 2021(2), 79-86.
8. Yuldashov, A., Tuychiboev, B., & Djoraev, A. (2024). AGRO-ECOLOGICAL CONDITION OF SIRDARYA REGION AND THE WAYS TO IMPROVE IT. *Science and innovation*, 3(C3), 5-10.
9. Tuychibaev, B. (2023). OF PRESERVATION AND USE OF STONE MONUMENTS IN PARTICULAR ISSUES. *Science and innovation*, 2(C4), 70-75.
10. To'Ychiboev, B. B. (2024). MUZEY-QO 'RIQXONALAR KOMPLEKSI-ZAMONAVIY MUZEYLAR SIFATIDA (PETROGLIF YODGORLIKLAR MISOLIDA). *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 3(3), 88-92.